



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING  
QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

K-192 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани “Мустақиллик” массивида фаолият юритаётган “Қоракир Самараси” фермер хўжалигига енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартағи 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/635-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2020 йил 18 августдаги 281/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ангор тумани “Мустақиллик” массивида фаолият юритаётган “Қоракир Самараси” фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалик харитасининг 620-дала контуридаги 2,0 гектар яйлов ер майдонида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуришга вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш хуқуқи билан рухсат берилсин.

2. “Қоракир Самараси” фермер хўжалиги бошлиғи О.Турсохатовага: иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки биръ йил мобайнида фойдаланилмаганида рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

